

2 milliard dollardan ziyod bo'lgan ikkita dasturni amalga oshirdi.

Xulosa qilib aytganda, Orol dengizi halokatining atrof-muhit va bu yerda yashayotgan aholi hayoti va

faoliyatiga yetkazayotgan ekologik muammolarni bartaraf etish Birlashgan Millatlar Tashkiloti, boshqa xalqaro tashkilotlar va rivojlanish bo'yicha hamkor davlatlarning samarali amaliy yordamisiz amalga oshirib bo'lmaydi.

Adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган маърузаси (2014 йил 28 октябрь)

2. <https://bugun.uz/urib-borajotgan-tarih-orol-dengiziga-sajo-at#4>

3. Базарбаев Ж. «Жабрланган халқ тарихида янги саҳифа очилди». – Нукус: «Билим». 2019

4. <https://islomkarimov.uz/uzc/article/ozbekiston-va-bmt-tinchlik-khavfsizlik-va-barqaror-taraqqiyot-jolidagi-hamkorlik>

5. /«Еркин Қарақалпақстан» 31.05.2018 № 68 (20154).

REZYUME. Mazkur maqolada Orolbo'yi aholisi oldida turgan keskin muammolarni hal etishda O'zbekistonning xalqaro tashkilotlar bilan hamkori haqida so'z boradi. Bunda ayniqsa Orol dengizi qurishi oqibatida yuzaga kelgan muammolarni hal qilishda Birlashgan Millatlar Tashkiloti asosiy hamkor hisoblanadi.

РЕЗЮМЕ. В данной статье речь пойдет о сотрудничестве Узбекистана с международными организациями в решении острых проблем, стоящих перед жителями Приаралья. Организация Объединенных Наций является ключевым партнером в решении проблем, вызванных высыханием Аральского моря.

SUMMARY. This article will focus on Uzbekistan's cooperation with international organizations in solving acute problems facing the residents of the Aral Sea region. The United Nations is a key partner in addressing the problems caused by the drying up of the Aral Sea.

ҚОРАҚАЛПОҚЛАР ЭТНОГРАФИЯСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЁРИТИЛИШ ХОЛАТИ (иккинчи босқич)

М.А.Абдуллаев – мустақил изланувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: қорақалпоқ халқи, этнографик билимлар, экспедициялар, мустақиллик даври, иккинчи давр, моддий ва маънавий маданият.

Ключевые слова: каракалпакский народ, этнографические знания, экспедиции, период независимости, второй период, материальная и духовная культура.

Key words: Karakalpak people, ethnographic knowledge, expeditions, period of independence, second period, material and spiritual culture.

Қорақалпоқ этнографиясини ўрганишдаги иккинчи босқич 1995 йилдан бошланиб, бу даврда қорақалпоқлар моддий ва маънавий маданиятига доир изланишлар сони орта бошлади. Жумладан, қорақалпоқларнинг анъанавий уйлари, уларни безаш, жиҳозлаш билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар, этикод масаласи, ёшлар тарбияси каби масалалар Х.Е.Есбергенов, Н.А.Глеубергенова ва бошқа тадқиқотчилар томонидан амалга оширилди. Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, иккинчи босқични – “дастлабки этнографик изланишлар даври” – деб номлаш мумкин. Ушбу даврдан этнографик тадқиқотларнинг жадаллашувига 1994 йил апрелдан бошлаб Этнография мутахассислиги бўйича Махсус Кенгашнинг ташкил этилиши ҳам туртки бўлган.

Иккинчи даврни ҳаракатлантирувчи этнографлари бир томондан Х.Е.Есбергенов бўлса, иккинчи томондан Н.А.Глеубергенова ҳисобланади. 1997 йилга келиб Х.Е.Есбергенов томонидан қорақалпоқларнинг моддий маданияти, улардаги семантика ва семиотика, халқ кундалик ҳаётида қўлланиладиган турли рамзий белгилар, археологик топилмаларда учрайдиган изларни тадқиқ қилишга доир қатор мақолалар нашр этилди [1:124-127].

Бундан ташқари, Н.А.Глеубергенова ўз қорақалпоқ уйлариға бағишланган изланишларини давом эттириб, уй-жой қурилиши билан боғлиқ урф-одатлар ва иримлар тадқиқига бағишланган мақола нашр этди [2:129-130]. Мақолада тадқиқотчи томонидан уй учун лозим бўлган жойни аниқлаш, уй қуришни бошлашдан аввал ўтказиладиган турли маросимлар, уйға кириш эшиги қайси томонға қараб туриши, уйни безашда фойдаланиладиган турли орнаментлар тўплами, қурилишда фойдаланиладиган махсулотлар ва уларни келиб чиқиши, хуллас, қорақалпоқлар уй қурилиши билан боғлиқ барча маросимларни жамлаб, таҳлил қилиб бера олган.

1997 йилда этнограф олима Т.А.Жданкoning этнографик тадқиқотлар ва Хоразм экспедицияси этнографлари ҳақидаги икки мақоласи чоп этилди [3:15-33]. Биринчи мақолада асосан Хоразм

экспедицияси таркибида Қорақалпоқ тадқиқот гуруҳининг ташкил этилиши, унинг сабаблари, тадқиқотчи этнографлар танлови ва уларнинг эришган натижалари ҳақида батафсил маълумот берилди. Ушбу мақоладан маълум бўладики, Қорақалпоқ тадқиқот гуруҳи 1945 йилда ташкил этилган бўлиб, уни ташкил қилишдан кўзланган мақсад – инкилобгача қорақалпоқлар ҳақида тўпланган кам ҳажмли, ноқис, аниқ бўлмаган маълумотларни қайта кўриб чиқиш бўлган [3:72].

1945-1959 йиллар давомида 12 маротаба мавсумий экспедиция ўтказилиб, қорақалпоқлар кундалик ҳаёти, моддий ва маънавий маданияти ҳақида катта этнографик ахборот тўпланади. Кейинчалик қорақалпоқ тадқиқот гуруҳи яна уч маротаба – 1967, 1969, 1974 йилларда халқнинг анъанавий ҳўжалигини тадқиқ қилишди. Бу барча 15 та экспедицияларда раҳбар сифатида Т.А.Жданко бошчилик қилди.

Мақолада қорақалпоқларни ўрганишда энг кўп мартаба экспедицияларда иштирок этиб, ўз асарларида бу ҳақида маълумот берганлар қаторида Н.П.Лобачева (1945-1956-1959), Б.В.Андрианов (1946-1949), Л.С.Толстова (1946-1950); маҳаллий қорақалпоқ изланувчилардан Р.К.Косбергенов (1945-1950), С.К.Камалов (1948-1950, 1956), У.Х.Шелекенов (1954, 1958, 1967, 1969), Х.Е.Есбергенов (1956, 1959, 1969, 1974); фотосуратчилар Ю.А.Аргиропуло (1954-1959), И.В.Савицкий (1950, 1953, 1954, 1956), Т.В.Полетика ва бошқалар фаолияти ҳақида маълумот берилиб, уларнинг фаолияти натижалари санаб ўтилгани аҳамиятли ҳисобланади.

Экспедиция давомида эришилган натижалар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди. Жумладан, қорақалпоқлар этник харитаси Б.В.Андрианов томонидан тузилгани, қорақалпоқ уруғ ва қабилалари шажараси ва келиб чиқиши аниқлангани, халқнинг келиб чиқишига оид юзлаб оғзаки дала ёзувлари тўплангани, қорақалпоқларнинг қадимдан бошлаб қандай анъанавий ҳўжалик турлари билан шуғулланиб келгани, моддий маданияти таркибига кирувчи уй-жой қурилишига оид маълумотлар тўплангани,

қорақалпоқларнинг кийим-кечаклари ва тақинчоқлари ҳамда уларнинг маросимий хусусиятларига оид ахборотлар аниқлангани, оила ва оилавий урф-одат ва яшаш тарзига оид маълумотлар бойитилгани, диний эътиқоди ва қадимий диний қарашлари излари ўрганилгани, халқ амалий хунармандчилиги ва унинг турларига оид бой этнографик маълумотлар берилгани изчил очиб берилади. Хуллас, ушбу мақолада Т.А.Жданко раҳбарлигида қорақалпоқ этнографиясини ўрганиш бўйича олиб борилган ишлар сарҳисоби келтирилган.

Т.А.Жданконинг иккинчи мақоласида асосан ўзбек уруғларини ўрганишга қаратилган фаолият натижалари ёритилган бўлиб, аввал Шимолий ўзбек гуруҳи, сўнг Жанубий ўзбек гуруҳи, яқунда диний эътиқодни тадқиқ қилиш мақсадида ташкил этилган гуруҳ фаолияти ёритиб берилади. Эътиборли томони ўзбек уруғлари тадқиқоти қорақалпоқ гуруҳи натижалари билан киёсий таҳлил қилинганидир [4:15-33]. Ушбу икки мақола совет даврида амалга оширилган ишларнинг натижаларини сарҳисоб қилиш ва янги экспедициялар учун тайёргарлик кўришда аҳамиятли хисобланади.

1997 йилда туркманларнинг амалий-декоратив санъатига бағишланган Г.П.Васильеванинг мақоласи чоп этилди [5:76-84]. Мақола асосан туркманларнинг моддий маданиятига бағишланган бўлса-да, жун маҳсулотларини тайёрлаш, уни безаш, безаклардаги қорақалпоқларникига ўхшаш тасвирлар ҳақида муҳим маълумотлар берилган бўлиб [5:79-83], ушбу ахборот кейинги ўринларда кўшни халқларнинг хунармандчилигида уйғунликлар ва ўзига хосликларни аниқлашда муҳим хисобланади. Ушбу мақола ҳам Хоразм экспедицияси вақтида тўпланган маълумотлар асосида ёзилган.

1998 йил аввалги йилларга нисбатан унумли ва сермахсул бўлди. Чунки маҳаллий тадқиқотчиларнинг ҳам изланишлари сони ортиб, тадқиқот доиралари кенгая бошлади. Мисол учун, шу йилдан бошлаб қорақалпоқларнинг этногенези, яъни шаклланиш жараёни билан боғлиқ мақолалар ҳам нашр этила бошланди. Х.Е.Есбергеновнинг ономастикага бағишланган тадқиқотида этнонегез масаласи ҳам кўтарилади [6:137-141].

Мақолада қорақалпоқ халқининг келиб чиқиши ва ривожланиши уларнинг номлари ҳамда унвонлари призмасида кўриб чиқилган. Тадқиқот жараёнида муаллиф этник гуруҳ шаклланишининг тарихий, маданий ва ижтимоий жиҳатларини таҳлил қилиб, ономастика ва этногенез ўртасидаги муносабатларни очиб беришга ҳаракат қилади. Қорақалпоқлар ўз тарихи давомида ўзаро муносабатда бўлган турли маданият ва халқларнинг таъсирига алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, ономастика ўтмишнинг нафақат лисоний, балки маданий изларини ҳам ўзида мужассам этган ҳолда, миграция жараёнлари, ижтимоий ўзгаришлар ва тарихий воқеаларни акс эттиради. Мақолада таъкидланганидек, ономастик маълумотларни ўрганиш қорақалпоқларнинг этник ўзига хослиги ва маданий меросининг шаклланиш жараёнини чуқурроқ англаш имконини беради. Шундай қилиб, мақола қорақалпоқларнинг этногенезини ўрганишга салмоқли ҳисса қўшиб, ономастика халқларнинг тарихий ва маданий тараққиётини ўрганишда қандай муҳим восита бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини очиб беришга хизмат қилган.

Т.Х.Есбергенова томонидан ёзилган мақолада [7:99-101] қорақалпоқ болалар ўйинлари мисолида халқнинг этномаданий жиҳатлари очиб беришга ҳаракат қилинган. Мақола муаллифи болалар ўйинлари нафақат ўйин-кулги, балки урф-одатлар, маросимлар

ва ахлоқий қадриятларни авлоддан-авлодга етказувчи этник-маданий тарбиянинг муҳим элементи эканлигини ишончли тарзда кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Мақолада ўйинларнинг ҳар хил турлари, уларнинг қоидалари ва хусусиятлари, шунингдек, болаларни ижтимоийлаштириш ва уларнинг миллий ўзлигини шакллантиришдаги роли батафсил кўриб чиқилади. Болалар ўйинлар орқали жамиятдаги хулқ-атвор асосларини, катталарни ҳурмат қилиш, жамоавийлик ва бошқа муҳим ижтимоий қўникмаларни қандай ўрганишларига алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, муаллиф ўйинлар билан боғлиқ бўлган тимсол ва маросимларни ўрганиб, уларнинг қорақалпоқларнинг мифологияси ва дунёқараши билан боғлиқлигини таъкидлайди. Бу мақола қорақалпоқ маданияти ҳақидаги тушунчаларни бойитибгина қолмай, балки маданий тажрибани узатиш воситаси сифатида болалар ўйинларининг универсаллигини ҳам кўрсатиб бериш учун фойдалидир. Умуман олганда, ушбу мақола қорақалпоқлар этнографик тадқиқотларига ўз хиссасини қўшиб, маданий меросни асраб-авайлаш ва етказишда муҳим ўрин тутишини кўрсатиб беради.

А.Е.Бижанова томонидан чоп этилган мақолада гарчи қозоқларнинг тўй маросимларидаги анъана ва янгиликлар очиб берилса-да, бу маросимларнинг қорақалпоқ тўйлари билан ўхшаш ва фарқли томонлари, анъанадаги уйғунликлар ҳам ёритиб беришга ҳаракат қилингани билан аҳамиятлидир [8:97-98].

З.Ж.Алиева томонидан ёзилган мақолада [9:44-50] қорақалпоқ аёллари тақинчоқларининг таснифланиши бўйича янгича қараш ва мулоҳазалар келтирилади. Мақола муаллифи ҳар хил турдаги аёллар заргарлик буюмларини батафсил таҳлил қилиб, уларнинг рамз ва белгилари, ишлаб чиқариш материаллари ва бажариш техникасига эътибор беради.

Муаллиф заргарлик буюмларининг вазифалари ва турлари бўйича муваффақиятли таснифлагани қорақалпоқлар ҳаётининг маданий-ижтимоий томонларини яхшироқ тушуниш имконини беради. Мақолада нафақат заргарлик буюмлари тавсифи, балки унинг тарихий ва маданий контексти ҳам ўз ичига олганлиги, айниқса, қимматлидир. Бу ўқувчига қорақалпоқ аёллари ҳаётида турли хил заргарлик буюмларига қанчалик аҳамият берилаётганини, улар ўз мавқеи, ёши ва оилавий аҳволини қандай акс эттирганини тушунишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, мақола қорақалпоқ халқининг анъаналари ва моддий маданияти ҳақидаги муҳим асар бўлиб, заргарлик буюмларининг нафақат безак элементлари, балки маданий ва ижтимоий маълумотларнинг ташувчиси сифатидаги аҳамиятини ҳам тушунишга ёрдам беради.

Е.Е.Калбанова томонидан ёзилган Амударё қуйи оқимида жойлашган урал казаклари уй-жойлари тўғрисидаги мақоласи ҳам кўшни халқлар билан қорақалпоқларнинг турар жойларини киёсий ўрганишда муҳим хисобланади [10:142-144]. Мақолада анъанавий ўтовларнинг қурилиш техникаси, ишлатиладиган маҳсулотлар турлари, безаш ва жиҳозлаш жараёни, уларнинг диний аҳамияти очиб берилган бўлиб, казак ва қорақалпоқлар ўртасида этномаданий яқинликни аниқлаш ва тадқиқ қилишда фойдали хисобланади.

Р.С.Камалованинг мақоласида эса қорақалпоқлар урф-одатларининг тарихий-этнографик жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Муаллиф турли маросим ва урф-одатларни атрофлича таҳлил қилиб, уларнинг тарихий илдизлари, маданий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган.

Р.С.Камалова маросимларнинг асосий элементларини аниқлаб, уларнинг рамзий ва ижтимоий аҳамиятини тушунтиришга ҳаракат қилган. Мақоланинг муҳим жиҳати – турли маросим ва удумларнинг қорақалпоқларнинг тарихий тараққиёти контекстида кўриб чиқилиши бўлиб, маълумотлар асосида ўқувчи вақт ўтиши билан маросимларда кузатишган ўзгаришлар, баъзи анъаналарнинг сакланиб қолганлигини кузатиш имконига эга бўлади. Агарда мақоладаги маълумотлар қўшни қозоқ, қирғиз, ўзбек ва туркманларнинг маросимлари билан кўпроқ қиёсий ўрганилганда, унинг илмий аҳамияти янада юқори бўлар эди.

1999 йилда қорақалпоқларнинг моддий ва маънавий маданиятига доир бир неча мақолалар чоп этилди. Улар қаторида Х.Е.Есбергеновнинг икки мақоласини [11:100-102], С.Х.Есбергенова [12:64-68] ва В.Н.Ягодиннинг [13:88-94] биттадан мақоласини кўриб чиқиш мумкин. Ушбу мақолаларда асосан қорақалпоқларнинг моддий маданияти ҳамда диний қарашларидаги турли тотемистик образлар таҳлилга тортилган. Умуман олганда биринчи ва иккинчи

даврда этнограф тадқиқотчиларнинг асосий эътибори бир неча йўналишларда кечди. Ушбу йўналишлар 1991 йилда қайта ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Қорақалпоқ филиали йўналишларига мос равишда ривожланган. Унга асосан:

- 1991-1993 йилларда – Қорақалпоқ шаҳарларидаги замонавий этномаданий жараёнлар;

- 1994-1996 йилларда – Қорақалпоғистонда истикомат қилган бошқа халқлар этнографияси тадқиқот объектига айланди;

- 1997-1999 йилларда – қорақалпоқларнинг маънавий маданияти асосий тадқиқот объекти сифатида ўрганилди [14:78, 82, 83].

Хуллас, 1995 йиллардан бошланган иккинчи босқичда тадқиқотчилар сони ва изланиш йўналишлари кенгайди, махсус дала тадқиқотлари асосида ёзилган янги тадқиқотлар чоп этилди, қиёсий таҳлилга эга илмий мақолалар нашр этилди. Лекин шунга қарамай, изланишлар сони халқ тарихи, этногенези, моддий ва маънавий ўзига хослигини тўлиқ очиб бериш учун етарли бўлмади.

Адабиётлар

1. Есбергенов Х.Е., Новицкий И.О. Дидактика на мраморной плите из города Чимбая // Вестник Каракалпакского филиала Академии Наук Республики Узбекистан. №5.-Нукус: 1997. -С. 125.
2. Тлеубергенова Н.А. Поверья каракалпаков, связанные со строительством жилища // Вестник Каракалпакского филиала Академии Наук Республики Узбекистан. №5. –Нукус: 1997. -С. 129-130.
3. Жданко Т.А. Этнографические исследования и этнографы Хорезмской экспедиции // ЭО, 1997. №1. -С. 70-85.
4. Жданко Т.А. Этнографические исследования и этнографы Хорезмской экспедиции // ЭО, 1997. №2. -С. 15-33.
5. Васильева Г.П. Изделия женского народного декоративно-прикладного искусства туркмен (их роль в установлении этнических связей) // ЭО. 1997. № 2. -С. 76-84.
6. Есбергенов Х.Е. Вопросы этногенеза каракалпаков в их ономастике // Вестник ККО АН РУз., 1998. № 1-2. - С. 137-141.
7. Есбергенова Т.Х. Этнокультурные аспекты детской игры у каракалпаков. // Вестник ККО АН РУз., 1998. № 4. - С. 99-101.
8. Бижанова А.Е. Традиции и инновации в свадебной обрядности казахов низовья Амударьи // Вестник ККО АН РУз., 1998. № 4. -С. 97-98.
9. Алиева З.Ж. К вопросу классификации женских ювелирных украшений каракалпаков // Сб. ИИИ искусствознания «Санъатшунос». –Ташкент: 1998. -С. 44-50.
10. Калбанова Е.Е. Традиционное жилище уральских казаков низовьев Амударьи. // Вестник ККО АН РУз. 1998. № 2. – С. 142-144.
11. Есбергенов Х. Чильпык // Вестник ККО АН РУз., 1999. №2. -С. 98-100.; Ўша муаллиф. Саукеле // Вестник ККО АН РУз., 1999. №2. - С. 100-102.
12. Есбергенова С.Х. Бык в культовой практике каракалпаков // Вестник ККО АН РУз., 1999. №4-5. - С. 64-68.
13. Ягодин В.Н. Кердерская Умай // Вестник ККО АН РУз., 1999. №2. - С.88-94.
14. Курбанова З.И. Этнографияческая наука Каракалпакстана: этапы становления, современное состояние. – Нукус: “Илим”, 2020. - С. 78, 82, 83.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада қорақалпоқ этнографияси ривожининг иккинчи босқичининг бошланиши, бу даврда ижод қилган этнограф олимлар, уларнинг изланишлари таҳлили, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали тарихий-этнографик тадқиқот йўналишлари ва натижалари ҳақида маълумот бериб ўтилган.

РЕЗЮМЕ. В статье даны сведения о начале второго этапа развития этнографических исследований каракалпаков, этнографах, творивших в этот период, анализ их исследований, а также направления и результаты историко-этнографических исследований Каракалпакского отделения Академии наук Узбекистана.

SUMMARY. This article provides information about the beginning of the second stage of Karakalpak ethnography development, the ethnographers who created during this period, the analysis of their research, as well as the directions and results of historical-ethnographic research of the Karakalpak branch of the Academy of Sciences of Uzbekistan.

ASSESSMENT OF GROUNDWATER MINERALIZATION IN THE AMU DARYA DELTA ON THE EXAMPLE OF THE XOJELI DISTRICT OF THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN

I.Aimbetov – doctor of Technical Sciences

R.Dospanov – PhD student

Karakalpak Scientific Research Institute of Natural Sciences

Tayanch soʻzlar: yer osti suvlari, yer osti suvlarining shoʻrlanishi, GIS texnologiyasi, sxematik xarita.

Ключевые слова: подземные воды, засоление грунтовых вод, ГИС-технологии, схематическая карта.

Key words: groundwater, groundwater salinization, GIS technology, schematic map.

Introduction. It is known that the formation of groundwater in the delta originates from the Amu Darya River. Currently, the waters of the Amu Darya are mainly used in agriculture.

To develop the lands in the Amu Darya delta, numerous channels were dug into which its waters were diverted. Due to the expansion of irrigated areas and the irrational use of Amu Darya water, there is a shortage of water in the lower reaches of the river delta. One of the ways to reduce water scarcity is to use relatively fresh groundwater.

Materials and methods. To determine the location of freshwater lenses, maps of groundwater salinity in the Xojeli district were compiled. Data from archival materials of engineering-geological and hydrogeological survey organizations were used to compile the maps. The maps are compiled using the ArcGIS computer program. When making maps, the results of determining the salinity of groundwater from 59 workings were processed. The research covered 110 km² of the territory of the Xojeli district.